



Охирги пайтда тарихчилармимиз ўртасида Ўзбекистон тарихини қайта ёзишлари хақида, ўтмишда юртимиз тарихини ёзишда сохтакорликка йўл қўйилгани хақида, кимлар нима қилгани-ю, қайси давр хақида қанча саҳифа ёзилганини, аслида эса бошқача бўлишлиги лозимлиги ва бошқа муоммоларда бир мунча баҳслар бўлиб ўтди.

Тарихи йўқ халқнинг истикболи ҳам йўқ, дейди донолар. Лекин тарихнинг бўлиши бир гап, ўша тарих соҳиби бўлган халқнинг бу тарихни тушуниб етмоғи алоҳида бошқа бир гап. Шубҳасиз, биз улуг ва шарафли тарихга эгамиз. Бу тарихнинг кадрилини пастлатишга уринган ва уринаётган душманларимиз, соткинларимиз борлиги ҳам шубҳасиз.

Аммо ана ўша шарафли тарихни халкимизга етарли даражада такдим килиндими? Йўқ, албатта. Бу ишни килиш эса тарихчиларимиз елкаларидаги масулиятдир.

Хозирда тарихчиларимиз бу масъулиятни англаб етган кўринадилар ва уни адо этишга киришганлари кўриниб турибди.

Таъкидлаш лозимки, тарихчи бўлиш осон эмас, кадимдан тарихчилар икки ўтнинг орасида қолиб келганлар. Илмий омонатга содик колганлари хукмнинг кахрига учраган, хукмнинг розилигига эришмокчи бўлганлари эса илмга хиёнат килганлар, тарихчи номига дог туширганлар. Бу икки ўтнинг орасидан соғ чиккан тарихчилар эса жуда кам.

Бизнинг тарихчиларимиз мени кечирсинлар-у, аммо уларнинг мактабини илмий омонатга содик колган, дея олмаймиз. Улар ўзлари хохламаган холда дунёдаги энг ёлгончи, энг сохтакор, энг мунофик ва энг шарманда тарих мактабига кирдилар. Бу мактаб инсоният тарихидаги энг бузук фикрли кишилардан бўлмиш Маркс ва Ленин таълимотлари асосида ташкил топган, тарихни моддапарастлик асосида тахлил килишга мосланган эди.

Маълумки, тарих илми-бўлиб ўтган воқеаларнинг ўзи ёки уларни ривоят килиш эмас, балки ўша ходисаларни инсоний ва хакикат, инсоф нуктаи назардан тахлил килишдир. Бунда эса тарихчининг иймон-этикоди, мафкураси, дунёкараши ва тафаккури муҳим ўрин тутди.

Коммунистик мафкура, эътикод, дунёкараш ва тафаккур нимадан иборат экани бугун ҳеч кимга сир эмас. Никоблар йиртилди, бўёқлар ювилди. Хар бир нарсга ўз ўрнини топди.

Коммунистик тарихчилар инсоният тарихини ўз мафкура, дунёкараш ва тафаккурлари юзасидан кайта кўриб чикдилар. Уларнинг фикрича, бошқа масалалар каби тарих масаласида ҳам инсоният нотўғри йўлда юрган эди. Чунки, коммунистлар юзага келгунча тарихни Худога ишонган, динга эътикод килган, ёлгонни гуноҳ деб билган ва ниҳоят, инсон Аллох яратган мукаррам жонзот бўлиб, бир куни келиб ўз килмишларига жавоб беради, деб ишонадиганлар томонидан тахлил килинган эди. Коммунистлар эса бу нарсаларнинг ҳаммасига туфурдилар.

Ўзларини энг ақлсиз ва беҳаё хайвон-маймундан таркалганликларини бутун дунёга фахр билан эълон этдилар. Бошқаларни ҳам ўзларига ўхшаб маймундан пайдо бўлган деб ўйлаб, инсоният тарихини маймунчасига тахлил эта бошладилар. Кўхна дунёда инсон иштирокида бўлиб ўтган ходисалар модда бирламчи туради, деган беъмани акийда асосида фикр юритилди. Бу борада ёлгон, сохтакорлик, мунофиклик ва бузиб кўрсатишда асло тап тортилмади.

Бу ҳам етмаганидек, социалистик лагерга камалган халқларни ака халқка ва ука халқларга бўлиб кўйиб аканинг тарихи алоҳида торози билан, укаларнинг тарихи алоҳида торози билан ўлчанди. Бошқа нарсалар каби тарихга ҳам қолип ясалди. Ким шу қолипга тушса илмий асосда турган, қолипдан чиккан эса эскилик саркитига берилган, миллатчилик дардига чалинган ёки буржуазия мафкураси таъсири остида колган, деб эълон килинди.

Биргина мисол келтирайлик. “Ога” халқнинг тарихий шахси Пётр подшоҳ, тараккиёт асосчиси, у килган, бу килган деб мактаниб, охири бориб Буюк Пётрга айлантирилган. У ҳақда хар канча мактов бўлса, романлар ёзилса, кинолар яратилса мумкин. Аммо “ука”нинг тарихий шахси Амир Темур, конхўр, феодал, кўйинки, ҳамма ёмонликларни ўзида мужассам килган шахс. Унинг тўғрисида бир огиз яхши сўз айтган кўрадиганини кўради. Бошқа нарсаларни ҳам шунга таккослайверинг.

Окибатда, СССР тарихи, деб Россия тарихи ўқитилди. Рус тарихий шахслари макталди, ўзимизникилар ёмонланди. Курук бўлмасин учун хар бир халкда битта-иккита колипга тушадиганларни кискача эслатиб ўтилар эди. Кун ўтиши билан тарих ёлгонга тўла борди. Окибат келиб ошкоролик сиёсати бошланганда биринчи бўлиб тарихчилар зарбага учрадилар. Хатто ўқув юртларида тарих дарслари тўхтаб колди. Жамиятда тарихдаги ок доғлар хакида гапира бошланди. Энди эса хамма ўз тарихини кайта ёзмокчи.

Мен айтмокчиманки, тарихчиларимиз ватанимиз тарихини кайта ёзишдан илгари, биринчи навбатда мазкур ўзлари мансуб бўлган тарих мактабидан воз кечишлари керак. Хар бир халкнинг тарихини ёзиш учун унинг ичида бўлиши керак. У халкнинг маънавий, рухий ҳаёти билан яшамоги, кадриятларини англамоги лозим. Лекин ҳозирги ҳолатда тарихчиларимизда бу шартлар мавжуд бўлгани билан, мактаблари, устозлари бошқалигини унитмаслигимиз керак.

Шунинг учун ҳам тарихчиларимиз ўз мактабларини ўзгартишлари, тарихни инсоний соф руҳдан келиб чикиб тахлил этадиган мактабга аъзо бўлишлари шарт. Ана шундан сўнг, юртимиз, халкимиз тарихини кайта ёзиб чиқиш мезони ва асосларини аниқлаб олишлари мумкин бўлади.

Албатта бу иш осонликча кўчмайди. Умр бўйи ягона ҳақиқатни шу, деб айтиб келаётган нарсаларидан тониб, унинг аксини ҳақиқат, деб халкка айтиш ҳам осон эмас. Кайта қуриш йилларида “Фан ва турмуш” ойномасида “Ислом-илм демақдир” номли мақолам чоп этилгандан сўнг, тарихчилардан бири таҳрир хайъатига “Нима учун бу нарсани нашр этдингиз? Хамма ёқни расво қилдингиз-ку! Энди мен ўқувчиларимига нима дейман”, деб қуюниб ёзган эди. У кишига жавобан мен: “Кўп хижолат бўлманг, ҳеч уялмасдан ўқувчиларингизга, шу вақтгача ёлгон гапириб, сизларни алдаб келган эдим дейсиз”, деб ёзгандим. Бу борада яна бир ходиса ўрнали деб ўйлайман. Нисбатан ёш ёзувчилардан бири кайта қуриш даврида кекса ёзувчилардан бирининг олдига бориб дардини очибди. “Устоз, ёзганларимни галвирлаб кўрсам, ўттиз фоизи хам колмай тўкилиб кетяпти-ю, нима деган одам бўлдиқ энди?” дебди. Устоз эса: “Сен ўттиз фоиз демокдасан, мен китоб жавони олдидан ўтаётиб ўзимнинг китобларим рўбарўсига келганимда кўзимни юмиб, тесқари қараб ўтмокдаман. Биз қариб колдик, аммо сен ёшсан, бундан буёқ галвирда турадиган қилиб ёзгин”, дебди. Менимча бу гаплар хаммага, жумладан, тарихчиларга ҳам тегишли.

Тарихни ёзишда манбалар муҳим ўрин тутати. Ҳозиргача юртимиз тарихини ўрганишда гарбий манбалардан кенг фойдаланиб келинмокда. Аслида эса, ўз манбаларимиз асос бўлиши керак. Ўзимизнинг қадимги тарихчиларимизнинг асарлари араб, форс тилида ёки ўз алифбомизда бўлганлиги туфайли айбдор бўлиб келганлар. Ажнабий манбалар ана ўша асл манбаларга таянганини айтишади-ю, аммо, ўз нуқтаи назаридан тахлил қиладилар.

Биз ўз тарихчиларимиздан бевосита олсак жуда ҳам яхши бўлади. Имом Наршахий, Имом Табарий, Ибнул Асийр, Мирхонд, Хондамир, Шарафуддин Али Яздий ва бошқа улуг тарихчиларимизнинг асарларида етарли маълумотлар бор. Ислом тарихчилиқ мактабининг кўзга кўринган олимлари бўлмиш бу тарихчилар, ўз кўзи билан кўрганларини ва кўрганлардан йиккан хабарларини сўраб-суриштириб илмий асосда ёзиб колдирганлар. Баъзи вақтларда илмий омонат юзасидан бир ходиса тўғрисида бир неча хабарни хам келтирганлар. Ҳозирги тарихчиларнинг вазифаси эса, ўша хабарларни тахлил қилишдир.

Чет эллик инсофли, гаразсиз тарихчиларнинг илмий ишлари эса иккинчи даражали

манба бўлади.

Юртимиз тарихидаги турли даврларни кетма-кет баён этишда Ислом даврига алохида эътибор берилса яхши бўлар эди. Чунки, тарихимизнинг энг кўп бузилган даври ҳам шу давр, энг гуллаб яшнаган даври ҳам шу давр. Тарихни сохталаштириш компаниясида айнан шу даврни кўпроқ бузишга алохида эътибор берилган. Юртимизда фан-маданият, илм-марифат, саноат ва хунармандчилик кўйин-ки, хаётнинг турли сохаларида улкан ютуқларига эришилган, буюк алломалар етишиб чиккан бу даврни алохида эҳтимом билан ўрганишда келажагимиз учун ҳам катта аҳамияти бор.

Бу, бошқа даврларни ўрганиш керак эмас, ёки унча аҳамият бермаса ҳам бўлаверади дегани эмас. Даврларни яхши ўрганиш, уларни бир-бирига солиштириш оркали кўп фойдаларга эришилади.

Шунингдек, тарихий шахсларга ҳам алохида назар солиб чиқиш керак. Мисол учун Муканна шахсини олиб кўрайлик. Уни халкимизга ҳам, бошқаларга ҳам буюк қахрамон, эл-юрт озодлиги учун курашчи, адолатпарвар шахс сифатида тушунтириб келинган. Унинг мадҳида бадий асарлар ҳам битилган. Хозир ҳам, хатто олий маком сиёсий маърузаларда ҳам “Биз Муканна каби улуг зотларнинг авлодимиз”, кабилидаги сўзлар айтилди.

Аслида эса, ўта бадбашара бўлганидан юзига никоб тутиб юргани учун “Муканна” лакабини олган бу шахс худолик давосини килган бир фирибгар бўлган. Имом Наршахий унинг кирдикорларини, фиску фасодини ва нобакорлигини кўзи билан кўрганларга суяниб, батафсил мисоллар келтирганлар. Буни ҳамма билади. Имом Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китоби чоп ҳам килинган. Аммо ҳеч ким ҳақиқатни айта олмайди. Нима учун? Чунки, Муканна Ислом ҳукми даврида чиккан. Исломни ёмонлаш давлатнинг сиёсати. Демак, Исломга қарши чиккан одам ким бўлишидан қатъий назар яхши.

Ёки бу мисолнинг акси, юртимиз сиёсий ҳаётида Муканнадан бошқа ижобий шахс ўтмаганидек. Ҳамма подшоҳлар, ҳукмдорлар золим, қонхўр, ваҳший бўлишган. Ҳазрати Алишер Навоий шоир-вазир бўлганлари ва “адабиётшунос”, “тарихшунос”лар томонидан режага мувофиқ қолипга солиб берилганлари туфайли учун бундан мустасно.

Демак, тарихий шахслар ҳақидаги ҳақиқатни бузмасдан кўрсатишга ҳам тарихчиларимизни кўп изланишлар ва бахслар қутмоқда. Ҳа, албатта, ҳақиқий изланиш ва бахсдан кейин одилона баҳо бериш керак. Олдинги тузум вақтида ёмон дейилганлар яхши, яхши дейилганлар ёмон деб ҳулоса чиқариш ҳам унчалик тўғри йўл эмас.

Менимча, Рус босқинига сабаб бўлган нарсаларни ҳам чуқур ўрганиш керак. Бу албатта Ислом оламининг умумий тушқунлигига боғлиқ нарса. Юртимиз мусулмон оламининг ажралмас қисми бўлиб келган. Лекин, ҳозиргача Русияга ихтиёрий қўшилиш ёлғони билан бизнинг юртимиздаги тушқунлик сабаби етарли даражада ўрганилган эмас.

Шунингдек, Рус босқинига қарши миллий озодлик ҳаракатини синчиклаб ўрганиш билан бирга соткин ва хоинлар ҳаракатини ҳам ўрганмоқ лозим. Коммунистик босқин ва истибдод даврини ўрганишда халкимизга қарши қилинган ёвузликларни очиқ ташлаш керак. Қанчадан қанча уламоларимиз, зиёлиларимиз, миллий озодлик курашчилари, ватанпарварларимизнинг ёстиги- ни қуритиб, халкимиз гули бўлган инсонларни ваҳшийларча қириб ташлаган коммунистларнинг кирдикорлари қош қилиниши лозим. Шунингдек, коммунистларнинг мунофиқликлари, ёвузликлари ва адашганликлари халқ бошига қанчалар қулфатлар келтирганини ҳозирги ва келажак авлод тушуниб етмоғи лозим.

Ҳулоса қилиб айтганимизда, тарихчиларимиз олдида жуда қийин ва шарафли вазифа

Тарихни кайта ёзиш хакида

Муаллиф:

18.03.2010 10:36 - Янгиланди 10.03.2021 11:38

турибди. Мен уларга илмий омонатга содик бўлишлари зарурлигини эслатиш билан бирга ушбу савобли ишда катта муваффакиятлар тилаб қоламан.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, "Тарих омонатдир" китобидан (1995 йил)